

4-1-2019

Analysis of the current state of regulation of liquidity of commercial banks in Uzbekistan

B.B Izbosarov

Tashkent Financial Institute, Uzbekistan, 100000 Tashkent city A. Temur street 60A,
boburbek2226@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Izbosarov, B.B (2019) "Analysis of the current state of regulation of liquidity of commercial banks in Uzbekistan," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 4 , Article 2.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss4/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Избосаров Бобуржон Бахриддинович¹

¹Тошкент молия институти мустақил изланувчиси
Ўзбекистон, 100000 Тошкент шаҳри А.Темур кўчаси 60А

E-mail: boburbek2226@mail.ru

Аннотация: Мақолада мамлакатимиз тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш бўйича тўпланган тажриба, ҳозирги кундаги амалдаги ҳолат таҳлил этилган, тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, Марказий банк, ликвидлик, банк ликвидлиги, актив, мажбурият, депозит, риск, юқори ликвидли активлар, мажбурий захира сиёсати, очиқ бозор операциялари.

Annotation: The article analyzes the state of liquidity of commercial banks, examines the domestic practice of regulating the liquidity of commercial banks. Also problems related to the regulation of liquidity of commercial banks are identified and scientific solutions to these problems have been developed.

Keywords: commercial bank, central bank, liquidity, liquidity level, bank assets, bank liabilities, instant liquidity ratio, highly liquid assets, deposit, risk, required reserves policy, open market operations.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ликвидлигини бошқариш ва уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда ва тегишли самарага эришилмоқда. Халқаро валюта жамғармаси, халқаро Базель қўмитаси тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш бўйича қатор талаблар, меъёрлар ва тамойилларни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни амалга оширган. Ушбу тадқиқотларда тижорат банклари ликвидлиги билан боғлиқ рискни камайтириш, ликвидликни тартибга солиш ва таъминлаш ҳамда уни аниқлашни такомиллаштиришга доир механизмларни яратган. Бироқ, рақамли иқтисодиётда тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишда қўтилмаганда талабларни бажариш, юқори ликвидли ва барқарор маблағлар билан таъминлаш каби масалалар ўзининг илмий ечимини топмаган. Хусусан, банкларнинг рискли активлари ва муддатли маблағлари ўртасида мувозанатни бузилиши, банкларнинг ликвид маблағларга бўлган талабини зудлик билан қондирилмаслиги, ликвидликни тартибга солишда бозор инструментларидан фойдаланмаслиги каби масалалар илмий тадқиқот ишларининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқларида “Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари қўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур” [1]. дея алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, тижорат банклари инвестицион портфели мамлакат ЯИМнинг 1,8 фоизига ҳам етмайди, Марказий банк тижорат банклари ликвидлигини ошириш бўйича 2018 йилнинг тўққиз ойи давомида бор йўғи 292,8 млрд сўм ёки мамлакат ЯИМнинг 0,1 фоиз миқдорида қисқа муддатли кредит берган, банкларнинг жалб қилинган маблағлари бўйича ўрнатилган фоиз ставкаларининг юқорлиги туфайли 2018 йил тўққиз ойи давомида ушбу захира суммаси 191,5 млрд сўмдан 2522,3 млрд сўмга ёки шу даврда 13 бароборга ортган, миллий иқтисодиётнинг пул билан таъминланган даражаси (монтизация коэффиценти) 29,8 фоизни ташкил этади[2]. Буларнинг барчаси мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлигига бевосита ва билвосита таъсир этадиган омиллар ҳисобланиб, уни амалий ва назарий жиҳатдан самарли бошқариш нақадар долзарб ва зарур эканлигини белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлилигини мустаҳкамлаш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарур шартларидан бири сифатида эътироф этилган [3].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида банк назоратининг халқаро принциплари доирасида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидлиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажариш вазифаси қўйилган [4].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот мақсади тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

- тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишнинг хориж тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатларини маҳаллий амалиётда қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш бўйича тўпланган тажрибани ўрганиш ва уни амалда қўлланилишига баҳо бериш;

- тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишни амалиётдаги ҳолатини таҳлил қилиш, тегишли хулосаларни шакллантириш ва амалий жиҳатдан тадқиқ этишни талаб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тижорат банклари ликвидлиги, уларни тартибга солиш каби масалалар россиялик иқтисодчилар О.Лаврушин, И.Ларионова, В.Усоскин, В.Колесников, Г.Пановалар томонидан ҳам жуда чуқур ўрганилиб, тегишли илмий ва назарий хулосалар шакллантирилган, қуйида уларнинг айримлари билан танишиб чиқамиз[5].

Е.Жарковская таҳрири остида нашр этилган адабиётда “ликвидлик – бу банкнинг ўз вақтида, тўлиқ ва минимал харажатлар эвазига мажбуриятини бажаришдир”[6], –деб таъриф берилган, биз муаллифнинг ўз вақтида ва тўлиқ деган фикрига қўшилаемиз, чунки банк мижознинг талаби бўйича пул маблағлари ўтказиш

ёки нақд пулга бўлган талабини у талаб қилган пайт, яъни шу куни бажариши жуда муҳим ҳисобланади. Банк буни бир соат, икки соат ёки 1-2 кунга кечиктириб бажариши мумкин кечиктириб бажариши ҳам ликвидсизлик ҳолатига тушиб қолганлигини англатади.

Профессор О.И.Лаврушин: “Банк ликвидлиги – унинг ўз вақтида ва кам сарфлар ҳисобига омонатчилар, кредиторлар ва бошқа мижозлар олдидаги мажбуриятини адо этишидир”[7]. Бу таърифда эътиборли жиҳати, биз юқорида таъкидлаган “тўлиқ” деган ибора ишлатилмаган, шу жиҳатдан, фикримизча банклар мижозлар олдидаги мажбуриятини тўлиқ бажарилиши муҳим ҳисобланади.

Профессор А.Тавасиев: “Банк ликвидлиги – таҳлил жараёнида банк мижозлар ва турли контрагентлар олдида мажбуриятларини бажариш имконияти ва истагининг мавжудлигида намоён бўлади”[8]. Фикримизча, ушбу таъриф бошқаларига нисбатан банкнинг ликвидлилик ҳолатини очиб беришга хизмат қила олмайди, чунки “таҳлил жараёнида”, “имконияти ва истагининг мавжуд бўлиши” каби иборалар бу ерда ортиқча қўлланилган бўлиб, банк ликвидли бўлиши учун мажбуриятни тўзилиш ва талаб қилинган пайтда бажариши муҳим ҳисобланади. Банкнинг имконияти ва истагининг бор ёки йўқлиги мижоз ўз пулини талаб қилганда инobatга олинмайди, агар бажармаса у ликвидсизлик дея баҳоланиб, мижозларнинг банкка бўлган ишончи йўқолади, бунинг тавсилотлари эса бутун банк тизимига салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, хусусан проф. Ш.Абдуллаева, проф. А.Омонов, и.ф.д. О.Саттаров, и.ф.д. А.Абдуллаев ва бошқа иқтисодчи олимлар ҳам банкларнинг ликвидлиги бўйича ўз муносабатлари ва нуқтаи назарларини билдирган, бироқ уларнинг барчасида банкларнинг ликвидлиги айнан рақамли иқтисодиёт шароитида қандай бўлиши масаласи асосий объект сифатида қаралмаган.

Масалан Ш.Абдуллаева: “Ликвидлик атамаси сотиш, активларни пул маблағларига айлантиришнинг амалга оширилишини, яъни банкнинг Марказий банк ёки вакил банклардаги нақд пул маблағларидан оқилона фойдаланиш, ликвид активларини сотиш имконияти ва ҳ.к. ларни англатади.”[9], деб таъриф берган бўлса, А.Омонов ликвидликка: “Ликвидлик – бу банкнинг мижозлардан кутилган ва кутилмаган ҳолатларда молиявий ресурсларга бўлган талабни қондириш қобилиятидир”[10], -дея таъкидлайди.

Берилган таърифлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар банкларнинг тўлов қобилияти ва ликвидлиги каби тушунчаларни эътироф этган ҳолда, уларга ўз ёндошувларини ифода этмоқда, бироқ, ушбу тушунчалар мазмун жиҳатидан бир-биридан жиддий фарқ қилмайди.

Тадқиқот методологияси

Мамлакатимизда тижорат банкларини тартибга солиш бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш бўйича тўпланган тажриба яқиндан ўрганилди ва маълумотлар базаси йиғилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ликвидликини бошқариш бўйича 1991 йилдан буён назарий ва амалий жиҳатдан жуда катта тажриба тўпланди. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига 1991 йилда ўтган

бўлсада тижорат банкларида “ликвидлилик”, “ликвидлиликни тартибга солиш” каби масалалар 1997 йилга қадар Марказий банк томонидан тижорат банклари вакиллик ҳисобварақлари орқали молиявий ресурслар бериш орқали тартибга солиб келинди.

Демак, мамлакатимиз тижорат банкларида ликвидлиликни тартибга солишнинг бозор тамойилларига асосланган тамойиллари 1997 йилдан, яъни тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг халқаро андозалари амалиётга жорий этилгандан сўнг уларнинг ликвидлигини тартибга солиш имконияти пайдо бўлди. Бу вақтга қадар амалиётда қўлланилиб келинган банк баланси ва молиявий ҳисоботлар шакллари марказлашган иқтисодиёт тамойиллари асосланган бўлди, бундан кўзда тутилган асосий мақсад давлатнинг молиявий назоратини амалга оширишга қаратилган эди. Бундай шароитда тижорат банклари ликвидлиги билан боғлиқ муаммо биргина уларнинг вакиллик ҳисобварақлари орқали тартибга солиш мумкин эди. Чунки, банк балансида маблағларнинг жойлаштиришда уларнинг муддатлиги ва ликвидлиги эътиборга олинмаган бўлиб, жалб қилинган молиявий ресурсларни муддатлари бўйича жойлаштирилган активларнинг муддатларига таққослаш имконияти йўқ эди.

Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишда “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ва Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари асосий ҳужжатлар ҳисобланади. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 52-моддасида Марказий банк томонидан тижорат банкларининг “ликвидлилик коэффицентлари”ни белгилаш ҳақида қайд этилган[11].

Мазкур моддага асосан Марказий банк томонидан тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш 2015 йил 13 августда Адлия вазирлигидан 2709-сонли рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

Мазкур низомга кўра тижорат банклари активлари ликвидлиги нуқтаи назардан иккита гуруҳга бўлинади, бу қуйидаги расмда келтирилган.

Ликвидли активлар

Юқори ликвидли активлар

1-расм. Тижорат банклари ликвидли активларини гуруҳланиши[12].

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари активлари ликвидли ва юқори ликвидли активлардан ташкил топган. Тижорат банклари ликвидли активлари таркибига қуйидагилар киради:

- 1) нақд пуллар;
- 2) соф қўйма олтин;
- 3) банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган ҳисобварақларидаги маблағлар, тижорат банкининг вакиллик ҳисобварақлари, депозит ва мажбурий захира ҳисобварақлари киради;
- 4) банкнинг бошқа банкларда очилган вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар;

5) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ва Марказий банкнинг қимматли қоғозлари;

6) қисқа муддатли (30 кунгача) банклараро кредитлар ва депозитлар;

7) таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек бу мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банкларига бошқа молиявий талаблар;

8) «Standard & Poor`s», «Fitch Ratings» ва «Moody`s Investors Service» компанияларининг инвестицион рейтинг даражасидан кам бўлмаган ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тан олинадиган бошқа рейтинг компанияларнинг ушбу баҳо даражаларига тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга, ривожланган фонд биржалари рўйхатларига киритилган, таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатларнинг етакчи компаниялари қимматли қоғозлари.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан кўриниб турибдики, тижорат банклари ликвидли маблағлари таркибига саккизта манбадан иборат бўлган активлар кириб, ушбу активлар тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишда муҳим молиявий манба ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш жоизки, тижорат банклари ликвидли активлари таркибидаги банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган ҳисобварақларидаги маблағлар ва банкнинг бошқа банкларда очилган вакиллик ҳисобварақларидаги маблағларни зарур ҳолларда ишлатиш имкониятига эгадир.

Ҳукумат ва Марказий банкнинг қимматли қоғозлари уларнинг ликвидлигини тартибга солишда муҳим молиявий инструментлар ҳисобланади. Чунки, тижорат банклари қўшилмаганда мажбуриятларни бажариш бўйича молиявий ресурсларга эҳтиёж туғилганда уларни зудлик билан сотиш ҳисобига зарур маблағларни жалб қилиш имкониятига эгадир.

Тижорат банклари юқори ликвидли активлари таркибига қўйидаги активлар кирилади:

Юқорида келтирилган расмдан кўриниб турибдики, Марказий банкнинг низомига асосан тижорат банклари юқори ликвидли активлари таркибига активларнинг тўртта манбаси киритилган.

Фикримизча, тижорат банклари ликвид маблағлари сифатида уларнинг нақд пуллари, ҳукумат ва Марказий банкнинг облигацияларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга кўра мазкур икки манба юқори ликвидли активлар сифатида таснифланмаган. Чунки, тижорат банклари миқозларнинг нақд пулга бўлган талабларини қондиришда активлар таркибидаги “нақд пуллар” ҳеч қандай муаммоларсиз қондириш имконини беради, шунингдек “ҳукумат ва Марказий банкнинг облигациялари ҳам тижорат банки томонидан қўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёж туғилганда молия бозорида сотиш орқали қондириш имконини беради. Бироқ, мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида ҳукумат ва Марказий банк облигациялари жиддий аҳамият касб этмайди.

Банкларнинг активлари таркибида юқори ликвидли активлар ҳажмининг юқорилиги уларнинг тўлов қобилиятини таъминлашга хизмат қилади, бироқ, бу уларнинг даромад олиш имкониятини пасайтиради. Чунки, тижорат банклари даромадларининг асосий қисми рискли активлар ҳисобидан шакллантирилади.



Расм 2. Тижорат банклари юқори ликвидли активларини гуруҳланиши[13].

Банкнинг рискли активлари (асосан кредитлар, инвестициялар ва лизинг операциялари) қанчалик юқори бўлса, уларнинг даромади ортиб боради, бироқ рискли активлар ҳажмининг ортиши уларнинг юқори ликвидли активларининг ҳажмини қисқаришига олиб келади. Бундан кўриниб турибдики, банкларнинг барқарор даромадини ошириш ва ликвидлигини таъминлаш бир-бирига ўзаро қарама-қарши кўрсаткичлар ҳисобланади. Тижорат банклари ҳар иккала ҳолатда ҳам ижобий натижага эришиши лозим, акс ҳолда фойданинг даражаси пасаяди, мажбуриятни бажармаслиги эса омонатчи ва мижозларнинг банкка бўлган ишончини пасайишига сабаб бўлади.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки тижорат банклари юқори ликвидли активлари қатор талабларга жавоб бериши белгилаб қўйилган.

Хусусан:

- тўпланиш даражаси паст бўлиши ва пул ёки репо бозорларида осон сотилиши;

- ҳар қандай бозор шароитида ликвидлигининг исботланган ишончли манбаси ҳисобланиши;

- молиявий ташкилот ёки унга дахлдор бўлган шахсларнинг мажбуриятларини ўз ичига олмаслиги.

- таъминот сифатида қўйилмаган ёки хатланмаган бўлиши мақсадга мувофиқ[14].

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш энг катта муаммолардан бири миллий иқтисодиётда бирламчи ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозори жуда заиф бўлиб, етарли даражада ривожланмаган. Бу албатта тижорат банклари ликвидлик билан боғлиқ қатор зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Шунга қарамасдан, мазкур масалалар Марказий банкнинг тегишли низомларида тижорат банклари ликвидли активларига қўйилган талабларида ҳам белгилаб қўйилмоқда. Масалан,

Ўзбекистонда қимматли қоғозларнинг репо операциялари мавжуд бўлмасда алоҳида талаб сифатида Марказий банк томонидан киритилган.

Маълумки, тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишда уларнинг нафақат актив маблағлари, балки пассив маблағлари таркибида юз бераётган ўзгаришлар ҳам бевосита таъсир кўрсатади, шу нуқтаи назардан қуйидаги мамлакатимиз тижорат банклари активлари ва пассивлари таркибини таҳлил қилиш орқали тадқиқотимизни давом эттирамиз.

1-жадвал

Ўзбекистон тижорат банклари активлари таркиби ва динамикаси[15].

Баланс моддалари	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		01.10.2019 й.	
	млрд. сўм	%	млрд. сўм		млрд. сўм	
Кассадаги нақд пуллар ва бошқа пул-тўлов ҳужжатлари	1 336,0	1,6	4 841,0	2,9	5 269,0	2,5
Марказий банкдан олинадиган маблағлар	11 958,0	14,2	14 909,0	8,9	11 429,0	5,3
Бошқа банклардан олинадиган маблағлар-резидент	4 281,0	5,1	6 713,0	4,0	6 374,0	3,0
Бошқа банклардан олинадиган маблағлар- норезидент	6 588,0	7,8	18 347,0	11,0	13 545,0	6,3
Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	1 492,0	1,8	1 649,0	1,0	2 277,0	1,1
Мижозларнинг молиявий инструментлар бщйича мажбуриятлари	1 129,0	1,3	2 466,0	1,5	1 879,0	0,9
Кердит қуйилмалар, соф	52 045,0	61,9	108 467,0	65,1	164 670,0	76,8
Асосий воситалар, соф	1 794,0	2,1	2 335,0	1,4	3 488,0	1,6
Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	593,0	0,7	1 413,0	0,8	2 842,0	1,3
Банкнинг бошқа мулклари	386,0	0,5	298,0	0,2	230,0	0,1
Бошқа активлар	2 474,0	2,9	5 193,0	3,1	2 416,0	1,1
Жами активлар	84 076,0	100,0	166 631,0	100,0	214 419,0	100,0

Юқоридаги жадвал маълумотридан кўриниб турибдики, тижорат банклари активлари таркибида 2017 йил 1 январь ҳолатига кредит маблағлари 61,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 январь ҳолатига ушбу манбанинг улуши 76,8 фоиздан иборат бўлган. Бундан кўриниб турибдики, тижорат банклари кредит қуйилмалари уларнинг асосан Марказий банкдаги маблағлари улушининг пасайиши ҳисобига юз берган.

1-жадвалда мамлакатимиз тижорат банклари активлари моддалари хусусида келтирилган маълумотлари асосида уларнинг ликвидлигини тартибга солиш ҳолати бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантиришимиз мумкин:

- мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлигини тезкор тартибга солиш ва манипуляция қилиш имкони мавжуд эмас, чунки активлари таркибида юқори ликвидли актив моддалар айримлари умуман мавжуд эмас, мавжудларининг ҳам улуши жуда паст даражада;

- тижорат банклари активлари таркибида кредит қўйилмаларининг улушини юқори улушга эгаллиги ликвидлиликни тартибга солиш билан боғлиқ риск даражасини оширади.

Қўйида келтирилган жадвал маълумотлари асосида мамлакатимиз тижорат банклари мажбуриятлари асосида уларнинг ликвидлиликни тартибга солиш амалиётини таҳлил қиламиз.

2-жадвал

Ўзбекистон тижорат банклари мажбуриятлари таркиби ва динамикаси[15].

Баланс моддалари	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		01.01.2019 й.	
	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%
Депозитлар	37 183,0	49,5	59 579,0	40,8	70 001,0	37,3
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	263,0	0,4	537,0	0,4	498,0	0,3
Бошқа банкларка тўланадиган маблағлар-резидент	3 979,0	5,3	5 641,0	3,9	6 391,0	3,4
Бошқа банкларга тўланадиган маблағлар- норезидент	15,0	0,0	121,0	0,1	512,0	0,3
Олинган кредитлар ва лизинг операциялари	26 786,0	35,7	72 819,0	49,9	104 379,0	55,6
Мўмалага чиқариладиган қимматли қоғозлар	216,0	0,3	190,0	0,1	10,0	0,0
Тўланадиган ҳисобланган фоизлар	375,0	0,5	1 049,0	0,7	2 181,0	1,2
Бошқа мажбуриятлар	6 276,0	8,4	6 019,0	4,1	3 769,0	2,0
Жами мажбуриятлар	75 093,0	100,0	145 955,0	100,0	187 741,0	100,0

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари мажбуриятлари асосан депозитлар, олинган кредитлар ва лизинг маблағлари ҳисобидан концентрациялашуви ҳисобига вужудга келган. Масалан, тижорат банклари мажбуриятлари таркибида 2019 йил 1 январь ҳолатига депозитлар улуши 37,3 фоизни ташкил этган бўлса, олинган кредитлар ва лизинг маблағларининг улуши эса 55,6 фоиздан иборат бўлган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган йиллар давомида банк мажбуриятлари таркибида депозитлар, олинган кредитлар ва лизингнинг улуши камайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Масалан, тижорат банклари мажбуриятлари таркибида 2017 йил 1 январь ҳолатига депозитларнинг улуши 49,5 фоизни, олинган кредитлар ва лизингнинг улуши эса 35,7 фоиздан иборат бўлган. Бундан кўриниб турибдики, тижорат банклари мажбуриятлари таркибида таҳлил қилинаётган 2017-2019 йилларда депозитларнинг улуши 12,2 пунктга пасайган, аксинча олинган кредитлар ва лизингнинг улуши эса 19,9 пунктга ортган. Бундан ташқари, тижорат банклари мажбуриятлари таркибида эмиссия қилинган қимматли қоғозлар ҳисобидан молиявий ресурсларни шакллантириш масаласи муаммолигича қолмоқда.

Маълумки, халқаро амалиётда тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишда Марказий банкларнинг қисқа муддатли кредитларидан жуда кенг ва самарали фойдаланди. Бироқ, бу масалада мамлакатимиз Марказий банки тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишда ўзининг қайта молиялаш асосида

бериладиган кредитлари билан фаол пул-кредит сиёсатини амалга оширмайди, буни тижорат банклари мажбуриятлари таркибида Марказий банкнинг кредитлари мавжуд эмаслигида ҳам кўришимиз мумкин.

Фикримизча, бунинг асосий сабаби, биринчидан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси сезиларли даражада юқори бўлса, иккинчидан мазкур кредитни олиш жараёни ҳам эркин тарзда амалга оширилмайди.

2-жадвалда мамлакатимиз тижорат банклари мажбуриятлари асосида уларнинг ликвидлигини тартибга солиш ҳолати бўйича қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

- мамлакатимиз тижорат банклари мажбуриятларининг асосий улуши қиммат ва муддати жиҳатидан қисқа (3, 6, 12 ой) маблағлар ҳисобидан шакллантирилмоқда, чунки банklar биринчидан, олинган кредитлар учун депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларидан юқори тўланса, иккинчидан банklarаро кредитлар узоқ муддатга берилмайди;

- банklarнинг мажбуриятлари таркибида депозитларнинг улуши, халқаро амалиётга мурожаат қиладиган бўлсак камида 55-60 фоизни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир;

- мамлакатимиз тижорат банклари бозор иқтисодиётининг муҳим молиявий инструменти ҳисобланган қимматли қоғозлардан фойдаланиш даражаси жуда пастдир, бу албатта уларнинг мажбуриятлар таркибидаги арзон маблағлар орқали ликвидликни манипуляция қилиш ва активлар бўйича рискларни пасайтириш имкониятидан етарли даражада фойдаланмаётганлигини англатади;

- Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш ва уларни ликвидсизлик ҳолатига тушиб қолганда молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятини бермайди.

Халқаро амалиётдан маълумки, тижорат банклари мажбуриятлари таркибида депозит маблағларнинг, айниқса муддатли депозит маблағлар улушининг салмоқли бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, юқоридаги таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз банк тизими мажбуриятлари таркибида асосий улушни олинган кредитлар ва лизинг ташкил этиб, депозитларнинг улуши 40 фоиздан паст даражани ташкил этади.

Биз мазкур параграф доирасида мамлакатимиз банк тизимида депозитлар билан боғлиқ тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадида қуйидаги жадвал маълумотлари асосида депозитларнинг муддатлари нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари жами депозитлари умумий суммаси таҳлил этилаётган даврда қарийб 3,0 бараварга ортган.

Депозитларнинг турларини муддати бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, муддатли депозитлар жами депозитлар таркибида 2017 йил 1-январь ҳолатига 61 фоизга яқин бўлгани ҳолда, 2019 йил 1 январга келиб 52 фоизни ташкил этмоқда ёки шу давр ичида 9 пунктга пасайган. Албатта, бу ҳолат тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, депозитлар таркибида муддатсиз депозитлар улушининг юқорилиги мижозларнинг ўзлари истаган пайтда ва банк томонидан кутилмаган вақтда ушбу маблағларни талаб

Ўзбекистон тижорат банкларида депозитларнинг турлари ва муддатлари бўйича қолдиғи ва динамикаси[15].

Депозитлар	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		01.10.2019 й.	
	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%
Муддатсиз депозитлар	22 613	61	38 535	65	36 236	52
Муддатли депозитлар	10 644	29	14 284	24	26 065	37
Жамғарма депозитлар	3 926	11	6 759	11	7 701	11
Жами депозитлар	37 183	100	59 579	100	70 002	100

қилиш имконини беради. Бу ўз навбатида, тижорат банклари ликвид маблағлар ҳисобидан ушбу талабни, яъни мижозлар олдидаги мажбуриятлар тўлиқ ва ўз вақтида бажариш заруратини келтириб чиқаради. Агар мамлакатимиз тижорат банклар активлари таркибида юқори ликвидли қимматли қоғозларнинг мавжуд эмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, бу масаланинг янада мураккаблаштиришини тасаввур қилиш қийин эмас.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш тажрибаси 1991 йилдан бозор талаблари босқичма-босқич жорий этила бошлади, 1996-2016 йилларда Марказий банкнинг қаттиқ пул-кредит сиёсати тижорат банклари ликвидлигини бошқаришнинг маъмурий усуллари қўлланилди, 2017 йилдан бошлаб бозор тамойиллари асосида тартибга солиш усуллари кенг жорий этилмоқда.

- рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш электрон хизматлар асосида амалга оширилиб, бу жарённинг самарали усулларининг йўлга қўйилмаслиги натижасида дастлаб улар ликвидсизлик ҳолатига тушади кейинчалик эса уларнинг фаолиятида тўловга қобилиятсизлик ҳолати юз беради ва охир оқибат банкротликка юз тутади;

- мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлигини тезкор тартибга солиш ва манипуляция қилиш имкони мавжуд эмас, чунки уларнинг активлари таркибида юқори ликвидли актив моддаларнинг айримлари умуман мавжуд эмас, мавжудларининг ҳам улуши жуда паст даражада;

- мамлакатимиз тижорат банклари бозор иқтисодиётининг муҳим молиявий инструменти ҳисобланган қимматли қоғозлардан фойдаланиш даражаси жуда пастдир, бу албатта уларнинг мажбуриятлар таркибидаги арзон маблағлар орқали ликвидлиқни манипуляция қилиш ва активлар бўйича рискларни пасайтириш имкониятидан етарли даражада фойдаланмаётганлигини англатади;

- тижорат банклари рискли активларининг асосий улуши (95 фоиздан юқори) узоқ муддатли активлар ташкил этаётганлиги ва қимматли қоғозлар билан боғлиқ эмиссион операциялари кўлами жуда пастлиги банкларнинг ликвидлигини оператив тартибга солиш имкониятини бермайди;

Юқорида қайд этилган амалий ва назарий хулосаларни тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишда жорий этилиши уларнинг рақамли иқтисодиётда самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йил 9 ойилик статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармониغا 1-илова. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент, 2017. - № 6 (766). - 32-б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори www.lex.uz.
5. Колесников В. И др. Банковское дело. М.: Финансы и статистика. 1995-480 с; Панова Г. Кредитная политика коммерческого банка. М: МКЦ, 1997-464 с. Усоскин В. Современный коммерческий банк: управление и операции. М: Антидар, 1998-320 с; Ларинова И. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. М: “Консалтбанкир”, 2003-272 с; Лаврушин О. Банковское дело. Учебник. 2-е издание. М: Финансы и статистика, 2005-672 с.
6. Жарковская Е.П. Банковские дело. Учебник.-М.: 2006, Стр. 345-346.
7. Банковское дело. Учебник. Под редакцией О.И.Лаврушин, -М.:, 2005. Стр. - 260.
8. Банковское дело: Управление и технологии. Учебное пособие для вузов. Под редакцией А.Тавасиева. –М.:, 2001. Стр. – 388.
9. Абдуллаева Ш. Пул ва банклар. –Т.; 2010.
10. Омонов А.А Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Монография. Фан ва технологиялари, 43 бет.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, 52-модда. <http://lex.uz/>
12. Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низоми асосида муаллиф томонидан тузилди.
13. Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низоми, 2015 йил 13 августда Адлия вазирлигидан 2709-сонли рўйхатдан ўтказилган.
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йил статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.